

КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БОЛАЛАРИНИНГ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мирзаев Козимжон Камилджанович

“Oriental private school” nodavlat ta’lim muassasasi bosh direktori

Аннотация: Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурида креативлик масалалари ёритилган. Тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириши, машғулотлар мазмундорлигини ошириш, болалар тафаккурини ривожлантириши бўйича маълумотлар берилган. Шунингдек ўрганилган адабиётлар ва кузатилган тажрибалар жараёнида бола тафаккурини ривожлантириши бўйича таклиф ва хуносалар келтирилган.

Калит сўзлар: креативлик, креатив ёндашув, тафаккур, касбий компетентлик, потенциал креативлик, педагогик креативлик, креатив қобилияtlар, креатив компетентлик.

ВОПРОСЫ РАЗВИТИЕ МЫШЛЕНИЯ ДОШКОЛЬНИКОВ НА ОСНОВЕ ТВОРЧЕСКОГО ПОДХОДА

Мирзаев Козимжон Камильджанович

*Восточная частная школа негосударственного образования
Генеральный директор учреждения*

Аннотация: В статье рассматривается развитие мышления у дошкольников на основе творческого подхода. Приведены сведения о реформировании воспитательного процесса в системе дошкольного образования, развитии профессиональной компетентности педагогов и воспитателей, повышении содержания уроков, развитии мышления детей. Имеются также предложения и выводы по развитию детского мышления в изученной литературе и наблюдаемых экспериментах.

Ключевые слова: творчество, творческий подход, мышление, профессиональная компетентность, творческий потенциал, педагогическое творчество, творческие способности, творческая компетентность.

DEVELOPMENT OF THINKING OF PRESCHOOL CHILDREN ON THE BASIS OF A CREATIVE APPROACH

Mirzaev Kozimjon Kamildjanovich
Oriental private school non-governmental education
General Director of the institution

Annotation: *V state rassmatrivaetsya razvitiye myshleniya u doshkolnikov na osnove tvorcheskogo podkhoda. Privedeny svedeniya o reformirovaniyu vospitatelnogo protsessa v sisteme doshkolnogo obrazovaniya, razvitiyu professionalnoy kompetentnosti pedagogov i vospitateley, povyshenii soderjaniya urokov, razvitiyu myshleniya detey. Imeyutsya takje predlojeniya i vyvody po razvitiyu detskogo myshleniya v izuchennoy literature i nablyudaemuyx eksperimentakh.*

Keywords: *creativity, creative approach, thinking, professional competence, potential creativity, pedagogical Kcreativity, creative abilities, creative competence.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарорларнинг қабул қилиниши замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим ташкилотларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ўқув-услубий таъминотини янада мукаммаллаштириш, таълим менежменти ва назоратини замонавий инновацион усул ва шакллари асосида бойитиб бориш, турли таълим технологияларини манзилли қўллаш асосида таълимтарбия сифатини тубдан ўзгартириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, ижросини таъминлашда ўқув билув фаолиятининг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларининг уйғунлиги асосида:

- креатив ёндашув асосида тарбиячиларнинг методик ва касбий компетентлигини ривожлантириш;
- янги ижтимоий талабларга мос тарзда таълим воситаларни ишлаб чиқиши, жорий этиши ва қўллаш тизими ўқув жараёнини педагогик мазмунни, самарали шакл ва методларини тўғри танлашга бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик мазмуни ўқув услубий адабиётлар ва қўлланмалар, дарсликлар, ДТС, намунавий ва ишчи дастурларда ўз аксини топган бўлиб, таълимий жараёнда замонавийликни таъминлаш яъни ўқув билув фаолиятларида илмий асосланган ва тажрибада синалган таълимий машғулотларга оид янгиликлар, фаол методлар ва шакллар, тартиб қоидаларни жорий этишнинг мажбурийлигига, шунингдек таълимнинг тараққиёт даражаси унинг мазмунига киритилаётган фантехника ютуқлари билан тавсифланади.

Биз мазкур тадқиқот иши доирасида креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик мазмунини белгилаб беришда юқоридаги компонентлар билан бир қаторда:

– модулли-тармоқли технология; таълимий жараённи моделлаштириш алоҳида қисм (модул)лари, хусусий, тармоқли, дидактик, методик ёки тарбиявий вазифаларни ҳал этувчи фаолиятни ифодалайди (мас.: субъект ва объектнинг алоҳида фаолият турлари, фаолият турларини ўрганиш, тадбир, тарбияланувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини, ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш технологиялари)дан фойдаланиш;

–тафаккурни ривожлантириш жараёни интеллектуал билиш психологияси билан уйғунлигини таъминлашга эришиш яъни тарбияланувчиларнинг фикрлашлари, билиш психик жараёнларининг теранлиги, билим, ўқув ва кўникмаларни шакллантириш жараёни;

– ўқув фаолиятида кичкитойларнинг ички, ташқи позитив мотивацияларини ривожлантириш;

–таълимий жараёнда эмоционал соҳани ривожлантириш;

–машғулотларда инновацион технологияларнинг самарали усул ва воситаларини қўллаш орқали тарбияланувчиларнинг ўзлаштиришлари лозим бўлган материалларни идрок этиш, билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун кўникма ва малакалар ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этади деган холосага келдик.

Илмий изланишлар ва тадқиқотларимиз жараёнида бир қатор мактабгача таълим соҳасида илмий изланишлар олиб борган педагог олимлар, психолог олимларнинг мазкур соҳага оид илмий изланишлари тўғрисидаги фикрларини мушоҳада қилдик ва мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари тафаккурини ривожлантириш педагогик мазмунини: таълим жараёнига кретаив ёндашадиган бўлсак, бу жараённинг асосий компонентлари (таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим методи, таълим воситаси, таълим натижаси) асосида қуйидагича гурухлашимиз мумкин:

- таълим мақсади билан боғлиқ инновацион таълим интеграцияси;
- таълим мазмуни билан боғлиқ педагогик инновациялар: янги дастур, дастурни такомиллаштирувчи, ўқув материалини тўлдирувчи;
- таълим мазмунини лойиҳалашга кўра – меъёрий ҳужжатлар ўзгариши асосида режали, олдиндан ўйланган, ички ва ташқи;
- таълим методи билан боғлиқ педагогик инновацион муҳит;
- мактабгача таълим тизимида таълимий жараён шакли ва турида: даражасига кўра такомиллаштириш, кўринишини ўзгартириш, маълум услубиёт элементларини янгича талқинда ишлаб чиқиш;
- таълим воситаси билан боғлиқ таълим мазмуни;
- таълим натижаси билан боғлиқ ўзлаштириш мазмуни.

Тадқиқотимизда мактабгача таълим самарадорлигини ошириш мақсадида, нафақат тадбирлар (байрам эрталиклари)да балки ўқув жараёнига ота-оналарни ҳамкорлик асосида жалб қилиш ишларига алоҳида эътибор бериш мұхим педагогик аҳамият касб этади. Кичкінтоллар учун ота-она биринчи устоз, улар ўз фарзандларининг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мұхим эканлигини ҳис этган ҳолда, таълим-тарбия жараёнига бевосита иштирок этишлари ўқитишининг интерактив методлари бўйича таълим мазмуни юзасидан ўзларининг билим, малака ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш болаларнинг тафаккурини креатив ривожлантириш кенгайиб боришига эга бўладилар.

Таълим-тарбия – ота-оналар ва мураббийлардан катта сабр, меҳр ва бола тарбиясига илмий асосланган ягона ёндашувни талаб қиласди. Фикримизча, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари тафаккурини креатив ривожлантириш тизимини такомиллаштиришда таълим мазмунига мос, шунингдек, таълим жараёнининг бошланғич босқичида талаб этилган замонавий дунёқарашга эга бўлган рақобатбардош кадрларни иш билан таъминлаш мұхим деб ҳисоблаймиз.

Бу эса, тарбиячиларнинг креативлик потенциалини, компетентлигини такомиллаштириш жараёнларида ҳар бир педагог белгиланган таълимий мақсадига эришиш бўйича тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро фаолиятини тартибли ташкил этиш йўлини танлайди деган илмий хуносага келишимизга сабаб бўлади. Масалан, анъанавий методлар (унинг асосида фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади), кўргазмали методлар, акс эттирувчи методлар, китоб билан ишлаш методи, видео методлар.

Креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ривожлантиришда юқоридаги методлар ўзига хос вазифаларни бажаради, яъни: қизиқтирувчи, ташкиллаштирувчи, ривожлантирувчи, билим берувчи (таълим берувчи), тарбиявий, таълимий.

Демак, креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ривожлантиришда таълим методларини ҳам мақсадга мувофиқ танлаш ва ўз ўрнида қўллаш талаб этилади. Шунингдек, таълимий воситалар: тарбияланувчиларнинг ўш хусусиятларини инобатга олиб мавзу моҳиятини ёритишига хизмат қиласиган тарбиячи ва тарбияланувчи томонидан таълим жараёнида қўлланадиган турли объектлар; таълимий жараённи ўзлаштиришига хизмат қиласиган ёрдамчи воситалари ва дидактик материаллар:

- ўқув билув жараёнини тушуниш ва эслаб қолиш; (билиш психик жараёнлари: сезги, диққат, идрок, хотира, хаёл, тафаккур.)
- таълимий материалларни мустақил тарзда мустаҳкамлаш ва қўллаш учун имконият яратади. (эсда олиб қолиш ва эсга тушириш жараёнида нутқ фаоллиги)

Креатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ривожлантиришда “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”, «Илк қадам», Давлат ўқув дастури, мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари учун ўқув-методик қўлланмалар, методик тавсиялар, методик ишланмалар, ўқув дастурлари, ўқув режаси, ҳафталик ва кунлик режалардан оқилона фойдаланиш муҳим педагогик омил бўлиб ҳисобланади.

Илфор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш, замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим ташкилотларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ҳамда дастурларини такомиллаштириш[21;]

Мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ривожлантириш жараёнини модернизациялаш шароитида инновацион фаолият муҳитини амалга ошириш механизми ва ташкил этишнинг истиқболли технологияси, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, инновацион жараённинг муваффақиятли бориши тарбиячиларнинг машғулотларни креатив ёндашув асосида ташкил этишга бевосита боғлиқ.

Шу ўринда мактабгача ёшдаги болалар тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида тарбиячининг болаларга тўғри мотивация бера олиши ҳам бевосита таълим жараёнига ижобий таъсир кўрсатишини эътироф этиб ўтиш лозим. Мотивация уйғотиш боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашиши учун қулай муҳит яратиш билан бир қаторда боланинг ижодий қобилиятларини қўллаб-қувватлаш, ўйин орқали таълим бериш ва ривожлантириш, шунингдек таълим жараёнида барча турдаги ривожланиш соҳаларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди.


Педагогик нуқтаи назардан ўз касбини севмаган, ўз касбига қизиқмаган тарбиячи идеал даражада креатив фаолият билан шуғулланади деб айтиш қийин. Тарбиячилардан креатив ёндашув асосида болалар тафаккурини ривожлантириш учун замонавий касб эгаси ва салоҳият соҳиби бўлиши билан бир қаторда мактабгача таълим тизимида маънан мукаммал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдир.

Давлат талабларининг вазифалари: мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши, таълим-тарбияси мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш; миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида болаларга таълим-тарбия бериш, ривожлантиришнинг самарали шакллари ва усусларини жорий этиш; таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-

коммуникация технологияларини жорий этиш; кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашдан иборат, деб белгиланган.

Айтиш жоизки, бола таълими ва ривожланишида инновацион технологияларни ташкил этувчи асосий структура, унинг компонентлари билан педагогик технологияга қўйиладиган талаблар ҳам бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Кузатиш ва таҳлилларимиз асосида айтишимиз мумкинки, мактабгача таълимнинг асосий вазифаси болаларни мактабга таълим олишга тайёрлашдан иборатдир. Болалар мактабгача таълимда аниқ билимларнигина эмас, фикрлаш кўниумасини эгаллаши, тенгдошлари ва катталарнинг нутқини тушуниши, улар билан эркин фикр алмашиши, ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатиши талаб этилади. Болаларнинг она тилида образли ва мантиқий фикрлаши, тасаввурларини нутқ орқали тўғри ифодалashi, ўзини назорат қилиши, бошқариши, кузатиш, эшитиш, эслаб қолиш, умумлаштириш, солишириш каби тафаккур операцияларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани бажаришда, албатта, нутқ ўстириш ва бадиий адабиёт машғулотларининг аҳамияти каттадир. Қуйидаги биз машғулотларда креатив ёндашув асосида болалар тафаккурини ривожлантириш вазифаларини қўйидаги кўринишда тасвиirlаймиз.

1.1-ЧИЗМА



Креатив ёндашув асосида болалар тафаккурини ривожлантириш вазифаларини қўйидаги кўринишда тасвиirlадик.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда бир қатор таълимий методлардан фойдаланилди. Мактабгача таълим педагогикасида катта ва мактабга тайёрлов ёшидаги болалар таълими методикаси умумий ўрта таълим мактабларида қўлланиладиган методлардан қисман фарқланади.

Унда таълимнинг оғзаки, кўргазмали ва амалий методларидан фойдаланиш устуворлик қиласди.

Метод бирор масалани ҳал этиш, мақсадга эришиш йўли сифатида олам ва одам сирларини, табиат ва жамият ҳодисаларини билиш усулидир. Умумий маънода бу тушунча муайян мақсадга эришиш фаолиятини маълум тарзда тартибга солиш йўли

сифатида талқин этилади. Ўқитиш жараёнининг қайси босқичида бўлишидан қатъий назар, кўлланиладиган методлар таълим методлари деб юритилади.

Таълим жараёнидаги ҳар қандай билиш фаолияти кесимида метод билан бирга усуллардан ҳам бирдек фойдаланилади. Кўп ҳолларда бу икки тушунча аралаштириб юборилади. Бироқ улар икки ҳил фаолиятни ифодалайди. Таълим усули таълим методининг таркибий қисми, унинг бир элементидир.

Таълим усуллари таълим методларидан фойдаланиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг биргалиқдаги аниқ фаолиятидир. Таълим усуллари ёрдамида таълим методи замиридаги вазифаларнинг бир қисми бажарилади. Айни усуллардан турли методлар негизида ҳам фойдаланилиши мумкин. Ёки аксинча, айни метод турли усуллар кўмагида очиб берилиши ҳам мумкин. Усул таълим методининг таркибий қисми, унинг муҳим үнсури, методни жорий қилишдаги алоҳида қадам сифатида таърифланади. Ҳар бир таълим методи муайян таълим усулларини чоғиштириш орқали жорий этилади. Таълим усуллари методдан фойдаланиш асосидир. Ҳар қандай метод бир қанча усулларни ўз ичига қамраб олади. Таълим амалиётида, жуда кўп методлар замирида қамраб олинадиган, кўп кўлланиладиган усуллар сифатида: намойиш этиш, кўргазмали, тажриба, амалий, ақлий ҳаракатлар; масалани ўрганиш; савол ёки топшириқ бериш; йўл-йўриқ кўрсатиш, хулоса чиқаришларни ажратиб таъкидлаш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

- 1.** 2022 йил 22 январдаги ПФ-60-сон, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
- 2.** 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
- 3.** 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
- 4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
- 5.** Педагогика энциклопедия. “Ўзбекистон миллий энциклопедия” давлат илмий нашриёти. Тошкент – 2015.